

ISSN: 2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ


ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

1-СОН

ЯНВАРЬ, 2023



IMFAKTOR
PAGES



ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

**ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
НОМЕР-1**

**ФУНДАМЕНТАЛ
ТАДҚИҚОТЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ
1-СОН**

**FUNDAMENTAL STUDIES
SCIENTIFIC-PRACTICAL JOURNAL
VOLUME-1**



ТОШКЕНТ - 2023

Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор
Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор
Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент
Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор
Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент
Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори
Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор
Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор
Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор
Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент
Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент
Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор
Матибаев Т. – социология фанлари доктори, профессор
Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054837**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55, **E-mail:** tahririyat@imfaktor.uz

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.



АНОРБОЕВ Амириддин Улуғбек ўғли,
*юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, PhD,
Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар
вазирлигининг Юридик бўлим бош юрисконсулти*

КИБЕРХУРУЖЛАРНИНГ БУЛУТЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШГА КЎРСАТАЁТГАН САЛБИЙ ТАЪСИРИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

Иқтибос келтириш учун (for citation, для цитирования):
АНОРБОЕВ А.У. Киберхуружларнинг булутли технологиялардан унумли
фойдаланишга кўрсатаётган салбий таъсири ва унинг олдини олиш чоралари
// *Фундаментал тадқиқотлар.* № 1 (2023) Б. 151-160.



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7585613>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада киберхуружларнинг булутли технологиялардан унумли
фойдаланишга кўрсатаётган салбий таъсири ва унинг олдини олиш чоралари ҳақида
сўз юритилган.

Ушбу мақолада муаллиф булутли технологиялар ҳақида тушунтириш бериб,
унинг имкониятлари ҳамда бугунги кундаги ўрни ҳақида сўз юритган. Шунингдек,
ҳозирда булутли технологияларнинг қўлланилиши соҳаси ва доираси ҳамда булутли
технологиялар билан боғлиқ киберхавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича тавсиялар
ишлаб чиққан. Шу билан бирга, булутли технологияларнинг янада ривожланиши ва
унинг ривожига салбий таъсир кўрсатаётган киберхуружларнинг олдини олиш,
бартараф этиш, киберхавфсизликни таъминлаш бўйича таклиф ва ғояларни олдинга
суради.

Калит сўзлар: киберхуруж, булутли технология, ҳуқуқ, қонунчилик, киберхавф,
абонент, оператор, провайдер, ахборот хавфсизлиги, киберхавфсизлик, иқтисодиёт,
иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается негативное влияние кибератак на эффективное
использование облачных технологий и меры по его предотвращению.

В этой статье автор дал объяснение облачным технологиям и рассказал о их
возможностях, а также о их роли в современном мире. Он также разработал
рекомендации по области и объему применения облачных технологий, а также по
предотвращению кибербезопасности, связанной с облачными технологиями.

В то же время дальнейшее развитие облачных технологий и его развитие будет продвигать предложения и идеи по предотвращению, устранению, обеспечению кибербезопасности, которые негативно влияют на кибербезопасность.

Ключевые слова: кибератака, облачные технологии, закон, законодательство, кибербезопасность, абонент, оператор, провайдер, информационная безопасность, кибербезопасность, экономика, отрасли и подсекторы экономики.

ANNOTATION

This article discusses the negative impact of cyber attacks on the effective use of cloud technologies and measures to prevent it.

In this article, the author explained cloud technologies and talked about their capabilities, as well as their role in the modern world. He also developed recommendations on the scope and scope of application of cloud technologies, as well as on the prevention of cybersecurity related to cloud technologies. At the same time, the further development of cloud technologies and its development will promote proposals and ideas for preventing, eliminating, and ensuring cybersecurity that negatively affect cybersecurity.

Keywords: cyberattack, cloud technologies, law, legislation, cybersecurity, subscriber, operator, provider, information security, cybersecurity, economy, industries and subsectors of the economy.

Ҳозирги глобаллашган замонда иктисодиёт тармоқлари ва соҳаларига секин-асталик билан булутли технологиялар кириб бормоқда, унинг фойдаланувчиларга қулайлиги ва иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги ундан аҳолининг фойдаланишга бўлган эҳтиёжи янада ошишига сабаб бўлмоқда. Булутли технологиялардан ҳар куни жуда кўп фойдаланамиз, гўёки кунимизни жуда кўп вақтини шу “Булутли технологиялар” тақдим этаётган имкониятларга боғлагандекмиз, яъни турли хил хабарлар, ўзаро мулоқотлар (матн, овозли хаттоки видео мулоқотни, турли кўринишдаги (матн, график, видео ва ҳаказо) маълумотларни булутли технологиялар воситасида алмашинамиз [1, Б.4]. Ушбу технология 1960 йилда “сунъий интеллект” тушунчасининг асосчиси бўлган америкалик олим Джон Маккарти томонидан ўйлаб топилган бўлиб, у бир кун келиб компьютер ҳисоблаш “коммунал хизматлар” ёрдамида амалга оширилишини таклиф қилганида пайдо бўлган [2]. Булутли ҳисоблаш мафкураси 2007 йилдан бери алоқа каналларининг жадал ривожланиши ва фойдаланувчиларнинг тез ўсиб бораётган эҳтиёжлари туфайли машҳурликка эришди деб ишонилади. Булутли ҳисоблаш ((инглизча cloud computing) одатда фойдаланувчига интернет хизмати шаклида компьютер ресурслари ва имкониятларини тақдим этишни англатади [3, Б.287].

Уни оддийроқ тушунтирадиган бўлсак, булутли технология маълумотларни тақсимланган ҳолда ҳисоблаш технологияси бўлиб, бунда компьютер ресурслари фойдаланувчига интернет хизмати тарзида тақдим этилади. Булутли ҳисоблаш компанияга ишхонада ҳисоблаш инфраструктурасини қуриш ва қўллаб-қувватлашдан кўра, виртуал машина (ВМ), сақлаш ёки дастур каби фойдали воситаларни, электр энергияси тежами каби имкониятларни беради.

Таъкидлаш керакки, булутли технологияларга бўлган қизиқиш Ўзбекистон Республикаси томонидан расман 2018 йилдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3724-сон қарори қабул қилиниши билан бошланган ва бу дастлаб электрон тижорат иштирокчилари томонидан қўлланилган [4]. Шундан кейин, ўтган вақт давомида дастурий маҳсулотлар ва ахборот маҳсулотларидан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш ҳамда расмийлаштиришнинг божхона расмийлаштируви (декларациялаш) ва бухгалтерия ҳисобини юритишда булутли технологиялардан фойдаланиш тартиби ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 августдаги 670-сон қарори билан тасдиқланган “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот маҳсулотларидан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш ҳамда расмийлаштиришнинг божхона расмийлаштируви (декларациялаш) ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом билан тартибга солиб қўйилди [5], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ–4391-сон қарори билан тасдиқланган Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими сифатини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасига асосан, таълим жараёнларида булутли технологияларни қўллаш механизмлари ва техникаси яратилди [6].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги ПФ–6079-сон Фармони билан 2021 йил 1 январдан бошлаб фуқаролар томонидан “булутли” платформани бошқариш йўналишларида халқаро ИТ-сертификатларни олиш харажатларининг 50 фоизгача бўлган қисмини қоплаш тизими жорий этилди ва бугунги кунга қадар 23 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида булутли технологиялар иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида кенг қўлланилиши бўйича зарур ҳаракатлар амалга ошириб келинмоқда, хатто қонунчилик ҳужжати билан 2023 йилга қадар интернет тармоғида булутли сервислар экспертизаси жорий этилиши белгиланди [7] ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 8 февралдаги ПҚ–122-сон қарорига мувофиқ Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини булутли технологиялар билан таъминлаш таклиф қилинди [8].

Бироқ, ушбу технологияларнинг кейинги ривожда киберхуружлар катта тўсиқ бўлиб турибди, хусусан, шу кунга қадар булутли технологиялар хизматларини кўрсатишга оид шартномавий муносабатларнинг лозим даражада қонунчилигимизда тартибга солиб қўйилмаганлиги, шартномавий муносабатларда ахборот хавфсизлиги шартноманинг қайси тарафи томонидан қандай ҳолларда таъминланишига оид муносабатлар ҳали хануз амалиётда муаммоли ҳолат сифатида кўриб келинмоқда.

Хусусан, булутли технология хизматларини кўрсатиш шартномасида тараф сифатида иштирок этган оператор ёки провайдер ва фойдаланувчи (абонент) ўртасида тузилган шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 703-708-моддаларига мувофиқ бўлиши керак, акс ҳолда ушбу шартнома Фуқаролик кодексининг 116-моддасига мувофиқ, қонунчилик ҳужжатида зид шартнома бўлганлиги сабабли Фуқаролик кодексининг 114-моддаси талабларига асосан ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши лозим. Фуқаролик кодексининг 703-моддасига асосан, абонент фақатгина кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олган бўлса, шартноманинг қолган мажбуриятлари провайдернинг зиммасидадир [9]. Айнан мана шу қоида бугунги кунда амалиётда кўп муаммоларга сабаб бўлмоқда, хусусан, киберҳужум провайдернинг абоненти фойдаланаётган булутли технологияга ҳужум қилиниши оқибатида абонентга тегишли бўлган шахсга доир маълумотлар ёки бошқа маълумотлар ўғирланмоқда ёки электрон маблағлар ўзлаштириб олинмоқда, натижада шартнома сифатида тараф бўлгани учун абонент Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлда қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги ЎРҚ–703-сон Қонуни [10] ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига [11] асосан, фуқаролик судларига зарар ундириш бўйича даъво билан мурожаат этадиган бўлса, зарар кимдан ва қандай микдорларда ундирилиши бўйича низоли ҳолатга дуч келинади.

Хўш, мазкур ҳолатда суд қандай қарор чиқариши керак, қандай қарор чиқарилса, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексининг 14-моддасида назарда тутилган қонунийлик тамойили амалда ўз исботини **топиши мумкин?**

Фикримизча, қуйидагиларни инобатга олиш ва қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш вақти етиб келди. Яъни абонент провайдер томонидан тақдим этилган сервердан ёки провайдер томонидан кўрсатилаётган хизматлар фойдаланганлиги учун қонунчилик ҳужжатларига асосан, Фуқаролик кодексининг 703 ва 705-моддаларида белгиланган тартибда ҳақ тўлашдан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2020 йил 30 июндаги 208-мх-сон буйруғи (30.06.2020 й., рўй.: 3275) билан тасдиқланган Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидаларида белгиланган мажбуриятларни бажаришга мажбур, хусусан, абонент телекоммуникация тармоғидан давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонунчилик билан кўриқланадиган бошқа сирни узатиш учун фойдаланишга йўл қўймаслик, телекоммуникация тармоғи ёрдамида фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралаштиришга йўл қўйувчи ахборотни тарқатмаслик, қонунчилик ҳужжатларига асосан, телекоммуникация тармоғи орқали тарқатилиши тақиқланган ахборотлардан тижорат ёки нотижорат мақсадларда тарқатиш учун фойдаланмаслик, телекоммуникация тармоқлари иш сифатининг пасайишига ёки телекоммуникация тармоқларининг шикастланишига олиб келадиган

ҳаракатларни бажармаслик, ўз хоналарида жойлашган абонент тармоғи ва абонент қурилмасини техник эксплуатация қилиш қоидаларига риоя қилиш, маълумотлар базаларидан рухсатсиз фойдаланмаслик ва операторнинг (провайдернинг) дастурий воситаларини ўзгартирмаслик, телекоммуникация хизматларини кўрсатиш учун GSM, IP ёки SMS-шлюзлар ёки шунга ўхшаш аппарат-дастурий воситалардан фойдаланиш нияти бўлганда, бу ҳақда операторни (провайдерни) огоҳлантириш мажбуриятини бажаради.

Провайдер ёки оператор эса, GSM, IP ёки SMS-шлюзлардан, жумладан, тармоқда махсус аппарат-дастурий воситаларини ўрнатиш йўли билан ноқонуний фойдаланишга қарши курашиш чораларини кўриш, ўзининг расмий веб-сайтида расмий ахборотни, шу жумладан, тақдим этиладиган хизматлар рўйхатининг ўзгариши тўғрисидаги ахборот, тарифлар, прайс-варақлар, хизматларни тақдим этиш тартиби ва шартлари ва ҳ.к.ни ўз вақтида эълон қилиш, GSM, IP ёки SMS шлюзлардан яширин фойдаланишга қарши чораларни кўриш, шу жумладан, тармоқда махсус аппарат-дастурий воситаларни ўрнатиш йўли билан, абонентнинг ҳаракатларини таҳлил қилиш мажбуриятини бажаришга мажбур [12].

Демак, абонент Фуқаролик кодексида назарда тутилган шартнома ҳақини тўлашдан ташқари, Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидаларига асосан, ахборот хавфсизлиги талабларига ўзи ҳам риоя қилиши лозим.

Шундан кўриниб турибдики, агарда абонетдаги мавжуд логин ва парол абонентнинг эҳтиётсизлиги, ахборот хавфсизлиги талабларига рияо этмаслиги натижасида киберхужумга учраб кибержиноятчининг қўлига тушадиган бўлса ва шу орқали абонентнинг шахсига тегишли маълумотлар ёки бошқа ахборотларга зарар етадиган бўлса ёки абонентнинг ўзига мулкӣ ёки номулкӣ зарар етадиган бўлса, мазкур ҳолатда оператор ёки провайдернинг жавоб бериши нотўғри ҳисобланади ва бундан, тарафлар ўртасида тузилган шартнома талаблари мустасно. Агарда шартномага асосан, абонент оператор ёки провайдерга тегишли сервердан фойдаланганлиги учун ҳақ тўлашдан ташқари сервердаги маълумотларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича оператор ёки провайдер билан тегишли шартномавий муносабатга киришадиган бўлса, у ҳолда Фуқаролик кодексининг 236-238-моддалари талабларига асосан, юқорида келтирилган ҳолатда оператор ёки провайдер абонентга келтирилган зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

Маълумки, Фуқаролик кодексининг 703-моддасининг иккинчи қисмига асосан, алоқа хизмати ва ахборот хизматлари кўрсатиш шартномаларига оид муносабатлар ушбу Кодекснинг 703-708-моддаларида белгиланган тартибда ҳал этилади. ФКнинг 703-моддасининг биринчи қисмига асосан, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг топшириғи билан ашёвий шаклда бўлмаган хизматни бажариш (муайян ҳаракатларни қилиш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш), буюртмачи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Аслида эса, Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидалари билан абонентнинг оператор ва провайдер олдида тузилган шартнома бўйича шартнома ҳақини тўлашдан ташқари юқорида саналган мажбуриятларни бажариш вазифаси ҳам мавжуд. Шунингдек, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунга асосан, махсус ваколатли орган юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз ахборот ресурслари ҳамда ахборот тизимлари муҳофаза этилишини таъминлаш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради, ахборот ресурсларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини амалга оширади, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 майдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўғрисида”ги Низомга асосан, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ахборотлаштириш, электрон ҳукумат, электрон тижорат, электрон рақамли имзодан фойдаланиш, телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида махсус ваколатли орган ҳисобланади [13].

Шунга кўра, махсус ваколатли орган томонидан белгиланган қоидаларжен келиб чиқиб, Фуқаролик кодексининг 703-моддасининг иккинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф қилинади:

“Ушбу бобнинг қоидалари тиббиёт, ветеринария, аудиторлик, маслаҳат, таълим бериш, сайёҳлик хизмати ва бошқа хизматлар кўрсатиш шартномаларига татбиқ этилади. Ушбу Кодекснинг 37, 39, 40, 43, 44, 45, 46, 48, 49 ва 51-бобларида назарда тутилган шартномалар бўйича кўрсатилган хизматлар бундан мустасно.”.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда иқтисодиёт тармоқларининг барча соҳасига ахборот-коммуникация технологиялари кириб борганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон Фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси талабларидан келиб чиқиб [14], мавжуд ижтимоий муносабатларни, шу жумладан, алоқа ва ахборот хизматига оид фуқаролик муносабатларини тўғридан-тўғри Қонун билан тартибга солиш мақсадида Фуқаролик кодексининг қуйидаги таҳрирдаги 51¹-боб билан тўлдириш ва ушбу бобда алоқа ва ахборот хизматларини кўрсатишга оид қоидаларни аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ:

“51¹-боб. Алоқа ва ахборот хизматларини кўрсатиш шартномаси”.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунга асосан, норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзидан юқори бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ бўлиши керак деган қоидадан фойдаланиш орқали Фуқаролик кодексининг 703- ва 705-моддалар талабларидан келиб чиқиб, абонентлар бугунги кунда оператор ва провайдерларга ушбу қоидалар Қонун даражасида белгиланганлиги ва Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2020 йил 30 июндаги 208-мх-сон буйруғи (30.06.2020 й., рўй.: 3275) билан тасдиқланган Телекоммуникация хизматларини

кўрсатиш қоидалари эса, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлганлиги учун юридик кучи бўйича “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунга биноан қуйи ўринда туришидан фойдаланиши орқали мантиқан нотўғри, аммо қонунан тўғри йўллар орқали зарар келтириш эҳтимоли мавжуд.

Энг ачинарлиси, бундан кибержиноятни амалга оширган шахсларнинг фойдаланиши натижасида бугунги кунда судларимизда қонунчилик ҳужжатларига асосан аниқ ечимлар ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган коллизия ҳолатлар бўлиш эҳтимоли йўқ эмас.

Шу ўринда шу каби тафовутлар вужудга келмаслиги учун абонент ва оператор/провайдерларга бир қатор тавсияларни берган бўлардик, жумладан, оператор ва провайдерлар булутли технологиялар хизматини кўрсатиш тўғрисидаги шартномасини расмийлаштиришда абонентнинг эҳтиётсизлиги натижасида абонентга берилган булутли технология ва ундаги ахборотларга келтирилган зарар билан боғлиқ муносабатларни аниқ келишиб унда шартномада қайд этиб ўтишлари даркор, шу билан бирга, оператор ва провайдернинг ахборот ресурслари ва тизимларига бўлган киберҳужум натижасида абонентга келтирилган ёки келтирилиши мумкин бўлган масалалар ҳам тузилиш шартномада аниқ белгиланиши тавсия этилади.

Шунингдек, абонентлар ўзлари фойдаланаётган булутли технологияларга нисбатан ахборот хавфсизлигини таъминлашда булутли технологияларга кириш логин ва пароллини имкони қадар мукамал белгилар ёрдамида ифодалаши, имкони бўлса, ягона қурилма ёрдамида булутли технологияга кириш имконияти яратили ва булутли технологияларга ўзга қурилмалар орқали ҳам киришнинг имкониятини чеклаши, яъни битта IP-манзил орқали тизимга кириш имкониятини оператор ёки провайдер билан келишиб олиши мақсадга мувофиқ, чет давлатда ёки оператор ва провайдернинг хизмат кўрсатадиган зонасидан ташқари зонада абонент булутли технологиядан фойдаланган вақтида дастлаб хабар бериш ва кейин тизимга кириш механизми йўлга қўйилиши зарур, сабаби ўзга зонадаги ахборот тизимларининг хавфсизлигига Ўзбекистон Республикасининг ҳудудидаги оператор ва провайдерларнинг жавоб бериш имконияти техник томондан доимо етарли бўлавермайди, бармоқ излари ёки Face-контрол орқали тизимга кириш имкониятини яратиш мақсадга мувофиқ. Булутли технологияларнинг энг катта камчилиги бу уларнинг ўзга шахс, яъни оператор ва провайдернинг мулки бўлганлиги ва ушбу мулкнинг хавфсизлигини нечоғлиқ таъминлаш абонент зиммасида эмас, балки оператор ва провайдернинг зиммасида бўлганлиги ва уларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида қанадй қудратга эга эканлигини абонент билмаслигидадир ва ушбу билиш имкониятининг чекланганлиги баъзи ҳолатларда абонентлар зарар кўришига олиб келиши мумкин, шу сабабдан ҳам кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва бўлиши мумкин бўлган зарарнинг оқибатларини олдиндан прогноз қилган ҳолда тегишил оператор ва провайдерни танлаш маҳорати ҳам абонент учун жуда муҳимдир.

Булутли технологияларнинг абонентга жуда қулайлиги шундаки, сиз ўзинингизга тегишли бўлган ахборотларни сақлаш учун алоҳида ахборот ресурси ва тизимига эга бўлишингиз шарт эмас, фақатгина булутли технологиялар хизмати кўрсатувчи тегишил опеартор ёки провайдер билан шартнома тузасиз ва шартномага асосан, у ўзининг серверидан сизга компьютер ахборотингиз учун жой ажратади ёки тезкорлик билан маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилишида сизга ёрдам беради. Булутли технологиялар ичида, 1С-булутли технологияси бошқа серверларга, шу жумладан, мавжуд компьютерларимиздаги серверларга қараганда анча хавфсизроқдир. Бизнес учун эса, Gigascloud компанияси Google One (Диск) - бу Googleдан файлларни сақлаш, таҳрирлаш ва синхронлаштириш учун булутли дастури, Microsoft Office 365-обуна асосида тарқатиладиган иш учун қулай замонавий воситаларни бирлаштирган булутли хизмат, Битрикс 24-бизнес жараёнларини автоматлаштирадиган хизмат, Serpstat-бу позицияларни кузатиш, қайта боғланишларни таҳлил қилиш, сайтнинг SEO аудитини ўтказиш, рақобатчиларнинг семантикаси ва таҳлилини таҳлил қилиш имконини берадиган кўп функционал SEO платформаси, Deals-электрон рақамли имзо орқали онлайн шаклда электрон ҳужжатларни имзолаш хизмати ҳар томонлама қулай булутли технология деб ҳисоблайди [15].

Умуман олганда, технологияларнинг ривожининг бир вақтнинг ўзида шахс, жамият ва давлат манфаатларига фойда келтирса, иккинчи томондан зарар келтиради, шу сабабдан ҳам бугунги кунда қандай технологиялардан фойдаланиш ҳар бир шахснинг ва давлатларнинг танловига боғлиқ. Танловга қараб эса, ахборот ва киберхавфсизлик даражаси таъминланади. Ҳар бир технология жамият ва давлат равнақига хизмат қилишини таъминлаш учун қонунчилик ҳужжатларимизни доимо амалиётдаги бўлиши мумкин бўлган муаммолардан олдинроқ тартибга солиб қўйишимиз бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим дозарб вазифадир. Инсон кадрини улуғлаш ва унинг кадр-қимматини фақатгина инсонлар эмас, балки технологиялар ҳам ҳурмат қилиши учун технология эгасидан тортиб фойдаланувчисига қадар бўлган шахслар тоифасини ва чегарасини аниқ белгилаш ва улар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб қўйиш учун барчамиз бирдек ҳаракат қилмоғимиз даркор. Бунинг эса, биздан бор-йўғи озгина эътибор ва куч-ғайрат талаб қилади холос.

ИҚТИБОСЛАР

1. Р.Х. Аюпов. Булутли технологиялар. – Т.: 2021 й., Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети нашриёти. – Б. 4.
2. Материал из Википедии — свободной энциклопедии.
3. К.А. Шакаров, Л. Избосаров. Бугунги кунда булутли технологиялар имкониятлари ва камчиликлари. International Conference on Advance Research in Humanities, Applied Sciences and Education Hosted from New York, USA. <https://conferencea.org> May 28th 2022. –Р. 287.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3724-сон қарори // lex.uz–Қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
5. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 августдаги 670-сон қарори билан тасдиқланган “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот маҳсулотларидан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш ҳамда расмийлаштиришнинг божхона расмийлаштируви (декларациялаш) ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz–Қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ–4391-сон қарори билан тасдиқланган Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими сифатини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси // lex.uz–Қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон–2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги ПФ–6079-сон Фармони // lex.uz–Қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 8 февралдаги ПҚ–122-сон қарори // lex.uz–Қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
9. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz–Қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
10. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлда қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги ЎРҚ–703-сон Қонуни // lex.uz–Қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
11. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // lex.uz–Қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

12. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2020 йил 30 июндаги 208-мх-сон буйруғи (30.06.2020 й., рўй.: 3275) билан тасдиқланган Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz–Қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 майдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўғрисида”ги Низом // lex.uz–Қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон Фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси // lex.uz–Қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

15. <https://gigacloud.ua/ru/blog/navchannja/scho-take-hmarni-servisi-ta-jak-voni-dopomagajut-biznesu>.